



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

## ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

## LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адхам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети*

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**

*Тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Махкамов Қодиржон Одилжонович**

*PhD, катта ўқитувчи  
Наманган давлат университети*

**Ғофоров Шокир Сафарович**

*тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный  
университет, Грузия*

**Халикова Рахбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Абдор Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия  
академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Сандович**

*тарих фанлари номзоди, доцент  
Тошкент давлат техника университети*

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**

*PhD, доцент  
Наманган давлат университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Зухра Арипова</b> МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	4
<b>2. Шавкат Амонтурдиев</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ БИРЛАШИШИДА ТАБИЙ ОМИЛЛАР.....	13
<b>3. Махбуба Баратова</b> КИБЕРМАКОН ШАРОИТА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ.....	20
<b>4. Шухрат Бозоров</b> АҲМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ЖАМОАТ АРБОБИ.....	29
<b>5. Шавкатжон Жумаханов, Абдуқодир Тошпўлатов</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ.....	35
<b>6. Гулчехра Раҳимова</b> ЎЗБЕКИСТОНДА 1940-1980 ЙИЛЛАРДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	51
<b>7. Алексей Грицина, Комил Раҳимов, Омон Мамиров</b> ЎРТА АСР ХОВОС ОШХОНА ИДИШЛАРИГА ТАВСИФ.....	59
<b>8. Шохжаҳон Рашидов</b> АМИН НИЁЗОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	65
<b>9. Озодбек Раджабов, Ҳамза Қаландаров</b> XIX АСР БРИТАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА “КАТТА ЎЙИН” МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ.....	72
<b>10. Равшан Сиддиқов</b> ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (1991-2016 ЙИЛЛАР).....	78
<b>11. Сарвар Қулдашев</b> МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНИ ЛУҒОТИ ТУРК” АСАРИДАГИ УНВОН ВА ЛАВОЗИМЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	91
<b>12. Sadoqat Xo'ja yorova</b> XVIII-XIX ASRLARDAGI ROSSIYA IMPERIYASI VA QO'QON XONLIGI DIPLOMATIC ALOQALARINING TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI.....	98

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Гулчехра Рахимова,**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Қўқон давлат педагогика институти

rakhimova.80@bk.ru

## ЎЗБЕКИСТОНДА 1940-1980 ЙИЛЛАРДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

**For citation:** Gulchekhra Rakhimova, IMPACT OF INDUSTRIAL POLICY IN UZBEKISTAN IN 1940-1980. 2020, vol. 8, issue 3, pp.51-58



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-8-6>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг 40-80 йилларида Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсатининг олиб борилиши, саноат корхоналарининг маълум бир шаҳарга зич ва жуда яқин жойлаштирилиши унинг атроф-муҳитига салбий таъсир этганлиги тарихий манбалар асосида ёритилди. Совет Иттифоқ мажбуриятларини ишлаб чиқаришнинг тез суръатларда бажарилиши саноат корхоналарнинг моддий техник базаларига эътиборсиз бўлганлиги натижасида чиқиндиларнинг атроф-муҳитга етказган зарарлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** саноат корхоналари, атроф-муҳит, инсонлар, ишлаб чиқариш, сув, тупроқ, саломатлик, атмосфера ҳавоси, касалланиш.

**Гулчехра Рахимова,**

Доктор философии по истории (PhD)

Кокандский государственный педагогический институт

rakhimova.80@bk.ru

## ПОСЛЕДСТВИЯ ПРОМЫШЛЕННОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ В 1940-1980 гг.

### АННОТАЦИЯ

В статье освещается на основе исторических источников что реализация политики индустриализации в Узбекистане в 40-80-х годах XX века, плотное и очень близкое расположение промышленных предприятий в том городе, и негативно оказалось на его окружающую среду. Информация об экологическом ущербе, причиненном отходами, вследствие небрежности материально-технической базы промышленных предприятий при быстром выполнении обязательств бывшего Союза.

**Ключевые слова:** промышленные предприятия, окружающая среда, люди, производство, вода, почва, здоровье, атмосферный воздух, болезни.

**Gulchekhra Rakhimova,**  
Doctor of Philosophy in History (PhD)  
Kokand State Pedagogical Institute  
rakhimova.80@bk.ru

## IMPACT OF INDUSTRIAL POLICY IN UZBEKISTAN IN 1940-1980

### ABSTRACT

The article highlights on the basis of historical sources that the implementation of the industrialization policy in the Uzbekistan in the 40-80s of the XX century, the dense and very close location of industrial enterprises in that city, and negatively appeared on its environment. Information on environmental damage caused by waste due to negligence of the material and technical base of industrial enterprises in the fast fulfillment of obligations of the former Union.

**Index Terms:** industrial enterprises, environment, people, production, water, soil, health, atmospheric air, diseases.

### 1. Долзарблиги:

Ўзбекистонда мустақиллик йилларидан бошлаб вилоятларнинг иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш борасида жуда катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, саноат корхоналарининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан таъминотини замонавийлаштириш, инновацион технологиялар билан таъминлаш юқори даражада ислоҳ қилинмоқда. Мазкур ислоҳотларнинг амалга оширилишида инсониятнинг келажаги ва шу билан бирга атроф-муҳитнинг муҳофазаси меъёрларини инобатга олинган ҳолда олиб бориш, давлатда фуқароларни ижтимоий муҳофаза тизимининг ҳар қандай ислоҳотлардан устун эканидан дарак беради. Лекин собиқ иттифоқнинг саноат корхоналарини жойлаштириш борасида йўл қўйган хато ва камчиликлари Ўзбекистоннинг атроф-муҳити, аҳолиси орасида ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ортиб борсада муҳфоза тизими ислоҳотларига эътибор берилмади. Бундан ташқари Ўзбекистон худуди бўйлаб саноат тармоқларининг бундай нотекис жойлашуви қатор ҳолларда уларнинг хом ашё-ёқилғи ресурсларидан ва истеъмол минтақаларидан ажралиб қолишига олиб келганди[1].

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Совет даврида Ўзбекистондаги саноат корхоналарнинг техник аҳволи ва оғир кимё саноатининг ривожланиши бўйича бир қанча тадқиқотлар мавжуд[2]. Оғир саноат тармоқларининг ривожланиши ва тараққиёти бўйича С.Гелбух, М.Ўринбоев, Х.Саҳобиддинов, С.Баҳриддинов ва О.Жўраевнинг тадқиқот ишлари бунга мисол бўла олади. Олиб борилган тадқиқотларда совет давридаги оғир саноат турларигадаги эришилган ютиқлар, ва собиқ иттифоқ иқтисодиётига келтирган даромад, фойдалари ва кимё маҳсулотларнинг экспорт жараёнлари тўғрисида саноатлаштириш сиёсатини улкан ютуқлари, эришилган натижалари ҳақида мақтаб ёритилган.

Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсатидаги оғир саноат турларини кимёлаштириш, аграр соҳада кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигининг пахта етиштириш билан боғлиқ қўшлаб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал этилганлиги ҳақида хорижий олимларнинг ҳам мақолалари, адабиётлари мавжуд[3]. Лекин уларда, асосий илмий тадқиқотлар совет давридаги сиёсат билан ҳамоҳанг ҳолда олиб борилган. Ўзбекистон саноатлаштириш сиёсати энг юқори чўққиларга чиққанлигини эътироф этиб, тузумни улуғлаб, тадқиқот ишлари олиб борилди. Чунки, тадқиқотчилар қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни кўз билан кўриб турса-да, тоталитар тузумнинг темир қўлларида назоратда эди. Бу даврда ҳеч бир тадқиқотчи сиёсий назоратдан ҳоли бўлмаган эди.

Мустақиллик йилларига келиб эса оғир ва кимё саноатининг йиллар давомида корхоналардаги моддий техник аҳволи, сифатсиз маҳсулотларнинг юзага келганлик сабаблари

ва кимё саноатидаги камчилик ва айрим хатоларнинг ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарганлигини ўз тадқиқотларда шаффоф ҳолда ёритган тарихчиларни кўриш мумкин. Улардан, Ш. Асқаров, Р.Умрзақова, Б.Қодиров, А. Хакимов, Г.Халлиевлар[4] оғир саноат корхоналарнинг фаолиятидаги айрим муаммоларни ёритишда илмий изланишларни олиб боришган. Тарихчи олим Ш.Асқаровнинг илмий тадқиқотларида Ўзбекистондаги оғир кимё саноат корхоналари қурилишида жуда катта хатоликлар бўлганлиги, оғир саноат корхоналарининг бир-бирига жуда яқин қурилиши жуда катта хавфларни келтириб чиқариши, уларнинг хавфли объект эканлиги, қурилиш давомида тўғри хуудларни танлай олинмаганлиги каби фикрларни[5] билдиради. Тарих фанлари доктори Г.Халлиев тадқиқотларида Ўзбекистонда фаолит юритиб келган оғир саноат тармоқларидан бири бўлган пахта тозалаш заводларида 1975 йилда 2 минг та техник механизмлар эскирган ҳолида ишлаб келган бўлса, 3.5 минг та техник ускуналар ишдан чиққан эди. Натижада, техник ускуналар билан таъминланишнинг ўз вақтида олиб борилмаслиги меҳнат унумдорлиги, сифтсиз маҳсулотлар ва ишчиларнинг саломатлиги масаларига таъсир этган[6]лигини таъкидлаган.

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистон саноат корхоналарида қишлоқ хўжалиги пахта етиштиришга қаратилган ривожланиш, иқтисодий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Республика иқтисодиётини кўтаришдан мақсад ҳам ўлкани собиқ Иттифоқнинг асосий пахта базасига айлантириш эди. Қишлоқ хўжалиги саноати, қурилиш, транспорт, алоқа ва тайёрлов таъминот савдо тармоқлари билан уйғунлашуви натижасида қишлоқ саноати мажмуаси шакллантирилди. Бу мажмуага қишлоқ хўжалигининг ўзидан ташқари ишлаб чиқарадиган соҳалар (трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, озиқ-овқат, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш, микробиология саноати ва ветеринария учун доривор воситалар ишлаб чиқариш), иккинчи томондан қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш саноат соҳалари (қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, енгил саноат тармоқлари, ёғ-мой саноати, гўшт ва сут саноати, балиқ саноати, дон-ёрма ва ем саноати) киритилди[7]. 1950 йилларданок ўлкада пахта саноати ва пахтачиликни ривожлантириш учун техник базаларни яратиш учун республикада бир қанча оғир саноат тармоқлари қурила бошланди. Бу борада катта мажбуриятлар, пахта хом ашёси ишлаб чиқаришни юқори даражада кенгайтириш вазифаси асосий масала этиб қўйилди[8].

Пахтачиликнинг кетидан қувиш натижасида республиканинг кўпгина ҳаётий манфаатларига зиён етказилди. Қишлоқ хўжалигида асосий ўринни давлат хўжалиги (совхозлар) ва жамоа хўжалиги (колхозлар) эгаллади. Қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланадиган ерлар фақат пахта етиштиришга банд этилди. Барча экин майдонларининг 33,1 фоизи жамоа хўжаликлари ва хўжаликлараро корхоналарга, 63 фоизи давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш саноат корхоналарига тегишли бўлди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ҳиссаси 1990 йилнинг бошида 10 фоизга ҳам етмасди. Қишлоқ хўжалигида пахта майдонларининг кенгайтирилиши, полиз экинларининг қисқартирилиши қишлоқ ишлаб чиқариш маҳсулотларига салбий таъсир ўтказди. Ўзбекистонга фақат хом ашё етказиб берувчи ўлка сифатида қаралиши унинг иқтисодиётини бир томонлама, яъни фақат пахта билан боғлиқ саноатлаштиришнинг ривожланишига олиб келди. Қишлоқ хўжалигида кимёлаштириш ишлари кимёвий моддаларни пахта майдонларида илмий асосланмаган, синалмасдан ва режасиз ҳолда қўллаш бошланди. Асосан, пахта майдонларини кимёлаштириш ишлари 1960 йилларда кенг миқёсда бошланди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат даражасини орттириш мақсадида ўлкада кимё саноат соҳада ёппасига кимёлаштириш сиёсати амалга оширилди. Бу эса ўз-ўзидан Тошкент, Олмалиқ, Қўқон, Фарғона ва Навоий шаҳарларида оғир саноатнинг кимё соҳасидаги турлари пайдо бўлиши билан изоҳланарди. Марказ Ўзбекистонда пахта етиштириш сиёсати билан биргаликда саноатлаштиришнинг бир томонлама ривожини йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда саноат корхоналарини ривожлантириш, пахта етиштиришни йўлга

- қўйиш билан боғланиб қолди. Бу жараён, яъни кимёлаштириш икки йўналишда олиб борилди:
- биринчиси пахта майдонлари учун кимёвий моддалар: минерал ўғитлар, ғўза барглари тўқишда ишлатиладиган, пахта зараркундаларига қарши курашишда ишлатиладиган кимёвий моддалар;
  - иккинчиси кимёвий ўғитлар, дефолиантлар билан таъминловчи кимёвий саноат корхоналарининг қурилиши билан олиб борилди.

Саноат корхоналарининг жадаллик билан шаҳарларга қурилиш ҳолати, кимё корхоналарнинг айнан бир жойга қурилиш механизмлари: меҳнат ресурслари, транспорт хизмати, қувват билан таъминланиш каби ҳаракатларнинг бир-бирига салбий оқибатлари ўйлаб кўрилмади ҳам.

1960 йил Ўзбекистонда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, кимё саноати корхоналари 20 дан ортиқ бўлиб, саноат корхоналар асосан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқарди. Оғир кимё саноат корхонаси (Чоржўй, Олмалиқ, Чирчиқ, Жиззах, Тошкент, Навоий, Самарқанд) худудларида жойлашган. 1970-йилга келиб оғир кимё саноати корхоналари сони 7 тага ортган. Йилдан-йилга оғир саноат корхоналарнинг сонини ортиб бориши ишлаб чиқариш механизмига ҳам катта таъсир этган. Шу боис совет иттифоқи бўйича оғир саноат маҳсулотларини 80 фоизини Ўзбекистон, 12 фоизини Туркменистон, 4 фоизини Тожикистон ва қолган қисмини Қирғизистон республикалари ишлаб чиқарарди. Бутун иттифоқ бўйича 30 дан ортиқ оғир кимё саноати фаолият юритган бўлса, шундан 22 та оғир саноат мажмуалари Ўзбекистонда жойлашганди[9]. Иттифоқни асосан кимёвий маҳсулотлар ва кимё минерал ўғитлар билан Чирчиқ электро механика комбинати, Фарғона, Навоий, Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводлари таъминларди. Масалан, Фарғона водийсининг Қўқон шаҳрида жойлашган суперфосфат заводи, аммоний суперфосфат, сульфат кислотасига мослаштирилган цехлар қурилиб, ишлаб чиқариш кенгайтирилган[10]. Йиллар кесимида шуни кўриш мумкин эдики, барча оғир кимё саноат корхоналари тез қурилиб, ишлаб чиқаришни тез орада бошлаб юборганди. 1963 йилда Фарғона шаҳрида кимёвий азот ўғитлари ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди. Натижада, саноат корхона Ўзбекистонни аммиак, селитра, дефолиантлар, сульфат кислотаси ва турли кимёвий ўғитлар билан таъминлаб келган[11]. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш республикада 1962-63 йилларда 1229 дан 1419 минг тоннага кўтарилди[12]. Марказ республика олдига 1970 йилга келиб, минерал ўғитлар 4811 минг тонна, дефолиантлар 36,9 минг тонна ишлаб чиқаришни режасини мажбурият қилиб қўйган[13]. Бу эса республикада кимёвий ўғитлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни талаб қиларди. Маълумки, Қишлоқ хўжалигида маҳсулот сифати ва унумдорликни кучайтиришда, кимёвий технология, кимёвий воситалардан фойдаланиш катта фойда келтирди[14]. Кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун асосий манбалари республикада етарли бўлиб, калый, тош тузлар ва органик ўғитларнинг макони ҳисобланарди. Кимё саноат корхоналари Ўзбекистондан ташқари бутун Ўрта Осиё худудидаги пахта экинларини минерал ўғит билан таъминлаш мажбурияти ҳам зиммасида эди. Кимёвий саноат корхоналаридаги маҳсулотларнинг кўплиги, арзон гаров эканлиги пахта далаларида маҳсулотларни режасиз, исроф ишлатилишига олиб келганди. Ер, сув ва дала майдонларига кимёвий моддаларнинг ҳаддан ортиқ солиниши пахта сифати ва унумини ошириб борди.

Аммо, кимё саноат корхоналарида кадрлар масаласи жиддий тус олганди. Ўрта Осиё бўйича кимё технологиялари бўйича мутахассислар етишмас, саноат корхоналарнинг айрим технологияларни юритишда четдан мутахассис жалб қилинар эди. Кимё саноати бўйича мутахассислар фақат Москва ва Ленинград шаҳарларида тайёрланган[15]. Кимё саноат корхоналарида иш оғир ва кимёвий чанглардан ишчилар ҳам заҳарланиш ҳолатлари мавжуд бўларди. Лекин, ишчи ходимларнинг саломатлиги йўлида тўланадиган маблағлар унинг саломатлигига хизмат қилмасида аҳоли учун яхшигина иш ҳақи белгиланганди.

1980 йилда 1965 йилга нисбатан, пахтадан олинган даромад 5 бараварга ўсганди[16]. 1975-1985 йилларда саноат ва қишлоқ хўжалик режалари ҳам бажарилмай қолди. Ўзбекистонда кескинлашиб бораётган ижтимоий вазият албатта, экологик муаммоларнинг юзага келаётганидан дарак берарди. Ижтимоий муаммолар кетидан иқтисодий муаммоларни

келтириб чиқарди. 1980-йилларга келиб Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб кимё саноатида иқтисодий инқирозларни ҳам кўриш мумкин эди.

Саноат корхоналарида техник таъмир талаб ускуналар сони ортиб борди. 1984 йилга келиб, Чирчиқ шаҳрида суперфосфат ва кремнофтор кислоталар ишлаб чиқарувчи улкан кимё заводи ишга туширилди[17]. Натижада, кимёвий минерал ўғитлар ишлаб чиқариш Ўзбекистонда 1962-1963 йилларга қараганда, 1229 минг тоннадан 1983-йилларга келиб 3419 минг тоннага ортди[18]. Ўзбекистонда кимёвий ўғитларни ишлаб чиқариш шу даражада кескин кўтарилдики, ҳар беш йиллик режалари орасидаги фарқ икки барабар ортиб борганини кўриш мумкин эди.

Кимё саноат корхоналарида реконструкция ишлари тез-тез амалга оширилиши талаб қилинарди. Лекин, Ўзбекистон саноатлари учун ажратилган маблағлар буни қопламас эди. Натижада, саноат корхоналарининг чиқиндиларидан турли иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига олиб келди. Ўзбекистон аҳолиси саломатлигига салбий таъсир этиб, касалликларнинг кескинлашуви, хатто унинг генофондида ўзгаришларни вужудга келган. Бундан ташқари, табиатга шавқатсиз муносабат, тупроқдаги шўрланишлар, сувда турли кимёвий моддаларнинг мавжудлиги, азон қатламининг кенгайиб бориши ва Орол денгизи фожеаси билан ўз исботини топди.

Собиқ иттифоқнинг ички бошқарув тизимида 1980 йилларнинг охирига келиб бир талай муаммолар авж ола бошлади. Иқтисодий таъминот занжиридаги эътибор берилмаган бир қанча хатолар кетидан муаммолар келтириб чиқара бошлади. Қардош республикаларда иқтисодий ва ижтимоий масалалар кўтарилди бошланди. Барча республикалар қатори Ўзбекистонда ҳам иқтисодий, ижтимоий ривожланиш секинлашди, ички муаммоларни субъектив тарзда ҳал этилиши зиддиятларни янада кучайтирди. Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг минтақада тутган ўрни катта салоҳиятни касб этар ва республика саноати СССР саноатининг таркибий қисми эди. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш усули бошқа республикаларга нисбатан бир мунча бошқача бўлиб, у махсус минтақавий хусусиятга эга бўлиши билан бир пайтда халқ хўжалиги таркибининг марказий бошқарувига тўла бўйсундирилганлиги[19] билан ҳам характерланган.

Ўзбекистон иқтисодий районларида жойлаштирилган саноат корхоналаридаги ижтимоий муаммолар халқ хўжалигини анча мураккаб аҳволга солиб қўйган эди. Тасдиқланган фондлар бўйича марказлашган тартибда иқтисодий имкониятларни режали тақсимлаш, иқтисодий имкониятлардаги фарқлар худудлар ўртасидаги кўрсаткичларда жиддий номуносивликни келтириб чиқарди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда мавжуд саноат корхоналари мамлакат миқёсидаги 18 та вазирликка бўйсундирилган эди. Айни пайтда вилоятларда турли соҳага ихтисослашган саноат корхоналари ёки уларнинг кичик тармоқларини ташкил этиш, мақсадга мувофиқ бўлсада, республикадаги саноат корхоналарининг йиғиндиси асосан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятларига тўғри келган. Гарчи Хоразм, Сурхондарё, Жиззах ва Қорақалпоғистонда зарур заҳира ва имкониятлар мавжуд бўлса-да, бироқ бу ерларда оғир саноат корхоналар ривожланиши ҳамма кўрсаткичлар жиҳатидан орқада қолган[20].

Ўзбекистонда қурилган оғир саноат корхоналари йилдан йилга ортиб бориши, саноат корхоналардаги техник таъминотларнинг етказиб берилишида узулишларни ва ўз вақтида етказиб бериш муаммоларини келтириб чиқарди. Лекин бур томондан, ишлаб чиқариш хажми оғир саноат ҳисобига ўзгарганди. Ўзбекистондаги баъзи таъмир талаб объектлар реконструкция қилиниб, оғир ва кимё саноатига айлана борди. 1980 йилларга келиб оғир саноат тармоқлари ишлаб чиқариш хажми юқори кўрсаткичга эга бўлганди. Бутун саноат маҳсулотлари умумий хажмдаги айрим тармоқлар маҳсулотининг салмоғи[1]. (фоизларда)

№	Саноат тармоқлари	1980 й	1985 й	1990 й
1	Оғир саноат	42.3	44.1	44.4
2	Енгил саноат	40.2	38.5	37.5
3	Озиқ-овқат саноати	14.3	13.9	14.2

Жадвалдаги кўрсаткичлар бўйича умумий хажми 1988 йил ҳисобида ўлка жон бошига тақсимлаб ҳисобланганда 596 рубллик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлиб, бу Ўзбекистон бўйича ўртача кўрсаткичнинг 48,4 фоизини ташкил этган. Ишлаб чиқариш хажми кўп бўлишига қарамай барча маҳсулотлар марказ назоратида бўлиб, республика оғир саноат корхоналари кўп жойлаштирилган Тошкент вилоятига нисбатан 3,2 марта ва Фарғона вилоятига нисбатан 2,9 марта паст эди[21]. Бунинг устига, республикада етиштирилган маҳсулотларнинг ўз қийматидан бир неча марта паст баҳода сотилиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўп қисми хом ашё тариқасида сотилиб, бошқа жойларда истеъмол қийматларига айланиши республика бюджетига ҳам сезиларли таъсир этар эди. Натижада, бир қанча вазирликлар тизимига кирувчи қоқоқ корхоналарнинг сони ортиб, меҳнат унумдорлиги тушиб борди. 1988 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот хажмига нисбатан иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, бирлашмалар ишлаб чиқарган саноат маҳсулотининг салмоғи умумий саноат маҳсулотлари хажмида 38 фоизни иттифоқ республика вазирликлари ва идораларига бўйсунувчи корхоналар маҳсулоти 54 фоизни, фақат ялпи саноат маҳсулотининг 8 фоизи республика ва маҳаллий саноат ҳиссасига тўғри келди[22].

Ишлаб чиқариш маҳсулотларидан келган даромаддан техник ускуналарни таъмири ва янги замонавий техника сотиб олиш учун маблағлар ажратилмасди. Саноат корхоналари жойлашган Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳарлари, Хоразм, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари аҳолиси ҳаётида ижтимоий муаммолар кескинлашди[23]. Оғир кимё саноат корхоналарнинг Ўзбекистон табиатига келтирган зарарлари очик эътироф этилмади. Гарчи бундай ижтимоий муаммолар нафақат Ўзбекистонда балки, Марказий Осиё республикаларида ҳам фожеага айланган. Собик иттифоқ буни билсада йиллар давомида чора тадбирлар ва муҳофаза тизимларини ишга солмади. Бироқ, 1989 йилга келиб, КПССнинг XXVIII съездида биринчи бор Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон республикаларида жойлашган оғир кимё саноат корхоналарнинг фаолияти танқид қилинди[24]. Саноат корхоналарнинг марказий шаҳарларга қурилгани, корхонанинг даромадидан кўра атроф-муҳитга зиёнларининг кўп бўлганлиги, таъмирланмасдан фаолият олиб борилиши аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатгани маърузаларда таъкидлаб ўтилган.

#### 4. Хулосалар:

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, собик иттифоқ жамиятнинг негизини ташкил этган иқтисодий асосларга алоҳида аҳамият берилмагани боис, йиллар давомида совет ҳукуматини емира бошлаган, бозор муносабатлари, пул ва товарнинг айрибошлашга эътибор ўрнини турли шиор ва даъватлар, “коммунизмга интилиш” каби ғоялар эгаллаган эди. Оғир саноат корхоналаридаги техник ускуна моддий техник базаси янгилашиб борганида, корхоналар фаолиятида узулиш ва жиддий муаммолар келиб чиқмас эди. Собик иттифоқ барча ишлаб чиқариш кучлари, моддий маблағларини беш йиллик режаларда белгиланган мажбуриятларни бажарилишига қаратди. Оғир саноат корхоналарида эскириб кетган техник ускуналар биринчи навбатда ишлаб чиқариш маҳсулотлари сифатига таъсир этди, қолаверса ўлкадаги атроф-муҳит, табиий ресурслар, аҳоли саломатлигига катта зарарлар етказди.

#### Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Ahmedov E, Saydaminova Z. Republic of Uzbekistan. –Т .: Uzbekistan. 1998. –P. 34.
2. Gelbukh S.Ya. Central Asia is a region of great chemistry. - Tashkent, State Publishing House, UzSSR, 1964.124-p .; Urinbaev M. Big chemistry on the rise. - Tashkent: Knowledge, 1983; Kanaev A.C. The main directions of development of the chemical and petrochemical industry of Turkmenistan. - Ashgabat. 1977. 203. p .; Antonenko V.Y. Chardkou Chemical Complex. - Ashgabat, 1960; Obidov Kh.K., Kalantarov I.N. Research in the field of polymer chemistry in the Tajik SSR // Plastic mass. - 1982. - No. 10. -P. 7-9; Buiuev V.M. Chemical industry in the light of the decisions of the XXIV Congress of the CPSU. –M.: Chemistry, 1973; Kostandov M.A. Chemical industry of the USSR for the XXV Congress of the CPSU. –M.: Chemistry, 1976; Averbukh A. Ya. XXV congress on the development of chemistry and chemical

- technology. –L.: Knowledge, 1977. 300. p.; Sakhabudinov X. Development of the chemical industry in Uzbekistan: Dis ... cand. ist. sciences. Fergana, 1971; Shin, Roza Moiseevna. The activities of the Communist Party of Uzbekistan on the development of the electrical industry (1959-1970). Abstract.,cand.hist.,scien. –T., 1984. 32. p .; Usmanov A. Training of industrial personnel in Uzbekistan and the growth of their creative activity (1956-1965). abstract., cand.of hist. scien. –T. 1984. –P. 32.;Urinbaev M. Activity of the Communist Party of Uzbekistan for the development of the chemical industry of the republic (1959-1970): Dis ... candidate. ist. sciences. - Tashkent, 1985; Badridinov S. Contribution of workers to the development of the chemical industry of Uzbekistan (1971-1980): Dis ... cand. hist. sciences. - Tashkent, 1988.-P. 26; Dzhushева O.P. Workers of the chemical industry of Turkmenistan in the 60-70s: labor and creative activity: Dis, .kand. hist. sciences. - Ashgabat, 1989.240.p.
3. Cotton Committee International, Cotton USA Global Fax Update. January. 2002; World Development Indicators Asian Development Bank. 2000.; Richard Burger. Institutional Development and Policy Reforms for Improving Water Management, Government of Kazakstan. 1998.; “Water Users Associations in Kazakstan: An Institutional Analysis” report for Harvard Institute for International Development; World Bank, 2000,; Project Appraisal Document: Kyrgyz Republic On-Farm Irrigation Project, World Bank Report No. 2003.–P. 5.
  4. Askarov Sh.M. From the experience of solving social and economic problems at chemical enterprises in the 80s. The historical and party aspect of the problem (based on materials from the republics of Central Asia). Abstract.,cand.hist.,scien. –M. 1991.31 p .; Umurzakova, R.I. Development of the chemical industry in Uzbekistan (History, experience, problems). candidate of historical sciences. Tashkent. 1994.32 p .; Kadirov B. Social and economic development of the village of the Uzbek SSR (1956-1965) - T. 1991.30.p .; Khakimov A. Working youth in the development of the industry of Uzbekistan (1976-1985). Abstract.,cand.hist.,scien Tashkent. 1993. –P. 28 .; Khalliev G. Socio-economic problems of the development of workers in the cotton-picking industry of Uzbekistan (70s - first half of the 80s). Author's abstract, doct. Of historical sciences. Tashkent. 1995.32 p.
  5. Askarov Sh.M. From the experience of solving social and economic problems at chemical enterprises in the 80s. The historical and party aspect of the problem (based on materials from the republics of Central Asia). Abstract., Candidate of Historical Sciences, -M. 1991. –P. 18.
  6. Halliev G. Socio-economic problems of the development of workers in the cotton-picking industry of Uzbekistan (70s - first half of 80s). Author's abstract, Doct. of Historical Sciences. Tashkent. 1995. –P.20.
  7. Tuxliev N. Economy of Uzbekistan. - Tashkent: Teacher. 1994. –P.47.
  8. World Development Indicators, World Bank. 2014. –P. 51
  9. Askarov Sh.M. From the experience of solving social and economic problems at chemical enterprises in the 80s. The historical and party aspect of the problem (based on materials from the republics of Central Asia). Abstract., Candidate of Historical Sciences, -M. 1991. –P. 20.
  10. Uz.Rep.NA fund-2579, inventory-1, case-1, sheet-17-18.
  11. Uz.Rep.NA fund-2433, inventory-3, case-997, sheet-5.
  12. Uz.Rep.NA fund-2433, inventory-3, case-3, sheet-144.
  13. Uz.Rep.NA fund-387, inventory-39, case-1703, sheet-127.
  14. Zotov A, Raimov T and others. Cities of Uzbekistan. Tashkent. Uzbekistan ”. 1965.288 p; Babin L. Uzbekistan. Tashkent. UzSSR. 1963. –P.28.
  15. Askarov Sh.M. From the experience of solving social and economic problems at chemical enterprises in the 80s. The historical and party aspect of the problem (based on materials from the republics of Central Asia). Abstract., Candidate of Historical Sciences, -M. 1991. –P. 12.
  16. National economy in the Uzbek SSR in 1980. Statistical collection. –Tashkent. Uzbekistan. – P. 89.
  17. Pardaev T. Chemicalization of agriculture in Uzbekistan in the 60s: state and problems. Author's abstract. diss. Candidate of Historical Sciences. –Tashkent: 1998. –P.13.
  18. Uz.Rep.NA fund-2579, inventory-1, case-1, sheet-17-18.

19. Management of socialist production. Questions of theory and practice. - Moscow: Economics, 1978. –P. 678-679.
20. Dosumov R. Restructuring of industrial production management in new economic conditions. - Moscow. –P.12.
21. Problems of a Falling Industry or an Autonomous Republic // Life and Economy. - Tashkent: 1991. - № 2. –P. 17.
22. Mirsaidov M. Economic sovereignty of the republic. - Tashkent: Uzbekistan, 1990. –P. 16.
23. Khazratkulov A. Social problems of Uzbekistan and ways to solve them. Specificity, experience, prospects (1971-1990) Author's abstract, Candidate of Historical Sciences. Tashkent. 1991. –P. 22.
24. Askarov Sh.M. From the experience of solving social and economic problems at chemical enterprises in the 80s. The historical and party aspect of the problem (based on materials from the republics of Central Asia). Abstract., Candidate of Historical Sciences, -M. 1991. –P. 16.

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 8 СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 8**

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 8**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000